

ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ

Х.А.Тураев – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: инновацион, таълим воситаси, мустақил таълим, ижодий масала, 3D анимация, видеодарс, мобил илова, кўргазмали график тасвир, ижтимоий тармоқ, ноанъанавий тест.

Ключевые слова: инновационный, образовательный инструмент, самостоятельное обучение, творческая задача, 3D анимация, видеоуроки, мобильное приложение, наглядное графическое изображение, социальная сеть, нетрадиционный тест.

Key words: innovative, education tool, independent learning, creative task, 3D animation, video lessons, mobile application, visual graphic image, social network, non-traditional test.

Кириш. Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни факат дарс машғулоти пайтида талабаларга етказиш кийин.

Талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Талаба мустақил иши – маълум бир фандан ўқув дастурида белгиланган назарий ва амалий билим, кўникма ва малаканинг муайян бир қисмини таълим олувчи томонидан педагог маслаҳати ва тавсиялари асосида дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир [1].

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим:

- ўқиш;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлаш олиш даражаси;
- мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади [1].

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади.

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

1. Дарсда амалга ошириладиган мустақил ишлар.

Дарс машғулотида ўтилган мавзунини қайта ишлаш, такрорлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар в.б. бажарилади.

2. Дарсдан ташқари амалга ошириладиган мустақил ишлар.

Дарсдан ташқари машғулотларда ўқув дастуридаги баъзи мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриб келиш, ижодий, амалий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар ва в.б.

Таълим воситалари – ўқув материаллини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади [2].

Таълим воситалари турлари – 1. Асосий таълим воситалари; 2. Ёрдамчи таълим воситалари; 3. Дастурий таълим воситалари [2].

Асосий таълим воситалари – малака талаблари, ўқув режа, намунавий фан дастури, дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма ва ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар в.б.

Ёрдамчи таълим воситалари – кўргазмали график тасвирлар, чизмалар, схемалар, намуналар, тарқатма материаллар, диаграммалар в.б.

Дастурий таълим воситалари – компьютер, электрон доска, мобил иловалар, сенсорли планшет, ижтимоий тармоқлар, электрон платформа, 3D анимация, видеодарс, автоматлаштирилган тест саволлари в.б.

Адабиётлар таҳлили. С.А.Болтабоевнинг “Таълим жараёнида мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш” мавзусидаги илмий мақоласида талабаларнинг мустақил билим олишлари ва кўникмаларини ривожлантиришга доир тавсиялар баён этилган [6]. Г.М.Мусаханованинг “Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида” мавзусидаги илмий мақоласида мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, ушбу жараёнда учраётган муаммолар борасида фикр юритилган [7]. Ш.Д.Хайитова ва И.С.Аллазовларнинг “Талабалар мустақил таълим олишини фаоллаштириш бугунги давр талаби” мавзусидаги илмий мақоласида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ёритилган [8].

Методология. Талабаларни билиш фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берувчи инновацион таълим воситаларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш қуйидагиларга боғлиқ: мақсадни белгилаш; асосий билим манбаига; таълим усулига; ўқув материалнинг янгилиги ва мураккаблигига; талабаларни ўқув имкониятларига. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар [3].

Бу воситалар мазмуни қуйида ёритиб берилган:

1. Тарқатма материаллар - Дарс ва дарсдан ташқарида талабаларни мустақил фикрлаш, ижодий изланишга йўналтиради, уларни фаол бўлишларини таъминлайди, эгаллаган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

2. Кўргазмали график тасвирлар – Талабаларга маълум фандан назарий ва амалий маълумотлар беради ва кўргазмалилик тамойили асосида уларнинг билим ва кўникмаларини ривожланишига қўмаклашади.


3. Ижодий масалалар – талабаларни фазовий тасаввур ва тафаккурини ўстиради, ижодий ва креатив фикрлашга ундайди, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятларини ривожлантиради.

Масала. Чамбарак (маховик) айлантирилганда винт V нинг иккала томонга горизонтал ҳаракат қилиш жараёнини лойиҳаланг.

4. 3D анимация – талабалар томонидан фан бўйича назарий амалий маълумотларни уч ўлчамли, ҳаракатли ва қизиқарли ҳолатда эгалланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади [4].

5. Мобил иловалар – мобил алоқа воситалари учун яратилган дастурлар бўлиб [4], уларнинг мазмуни таркатма материаллар, кўргазмали график дастурлар, ижодий масалалар, 3D анимация, видеодарслар, электрон адабиётлар ва автоматлаштирилган тест саволлари билан бойитилган.

6. Видеодарслар – Фанга оид мавзулар бўйича маълумотларни, ҳам оғзаки, ҳам амалий, ҳам кўргазмалилик ва анимацион ҳаракатлар орқали тушунтириш жараёнини рақамли технологиялар воситасида ёзиб олинган тасвирлар бўлиб, унда кўримлилик, видеони такрор кўриш ва мустақил ўрганиш имкониятлари мавжуд (1-расм).



1-расм. Видеодарс

7. Ижтимоий тармоқлардаги муаллифлик каналлари - талабалар мустақил таълимини масофадан мазмунли ташкил этиш ва таълим жараёнини тизимли равишда олиб бориш юзасидан ишга туширилган бўлиб, уларнинг мазмуни, фанга оид назарий ва амалий маълумотлар, кўпвариантли топшириқлар, тест

саволлари, 3D анимациялар, видеодарслар ва электрон адабиётлар билан бойитилган [5].

8. Ноанъанавий тест саволлари – Талабаларнинг фан бўйича эгаллаган назарий ва амалий билимини инсон омилисиз текшириш ва ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлашда энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади (2-расм).

Хулоса ва тавсиялар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, таълим жараёнига инновацияларнинг кириб келиши рақамли технологияларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, шу жумладан, ушбу воситалардан мустақил таълимни самарали ташкил этишда фойдаланиш талабаларнинг мотивациясини оширишда, фанга оид ва лойиҳалаш-конструкторлик компетентлигини ривожлантиришда ҳамда баҳолашда энг содда ва сифатли усул ҳисобланади.

2-расм. Ноанъанавий тест саволлари

Адабиётлар

1. Тураев Х.А. Бўлажак чизмачилик фани ўқитувчиларининг лойиҳалаш-конструкторлик компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 84-101-б.
2. Turayev X.A. Using innovative technologies in drawing classes. Innovative technologica. Methodical research journal. 2022. Vol-ume 3, Issue 9, -P. 148-151.
3. Turayev X.A. Improving the development model of project competence of future drawing teachers. Universum: технические науки. Электронный научный журнал. 2022. №2(95), -С. 62-65.
4. Turayev X.A. Methodical recommendations on the implementation of the theme of forty in drawing lessons graphically. Science and Education. Scientific Journal. 2022. Volume 2, Issue 2, -P. 264-268.
5. Turayev X.A. Methodical recommendations on the implementation of the theme of forty in drawing lessons graphically. Science and Education. 2021. T. 2. №. 2. – С. 264-268.
6. Болтабоев С.А. “Таълим жараёнида мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш”. “Замонавий таълим” журнали. 2019, 7(80), 12-22-б.
7. Мусаханова Г.М. “Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида”. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnal. № 6, 2020, 222-228-б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада, чизмачилик фанидан дарс ва дарсдан ташқари мустақил таълимни ташкил этишга қаратилган инновацион таълим воситалари таркатма материаллар, кўргазмали график тасвирлар, ижодий масалалар, 3D анимация, мобил иловалар, видеодарслар, ижтимоий тармоқлардаги муаллифлик каналлари ва ноанъанавий тест саволларига оид методологик асосга эга амалий тавсиялар берилган. Шунингдек, ушбу таълим воситаларини мустақил таълимда қўллашда зарур бўладиган техник жиҳозлар ҳақида асосли маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье инновационные образовательные средства, направленные на организацию урока и внеурочного самостоятельного обучения по предмету черчение даны практические рекомендации с методической основой по раздаточным материалам, наглядным графическим изображениям, творческим задачам, 3D анимации, мобильным приложениям, видеоурокам, авторским каналам в социальных сетях и нетрадиционным тестовым вопросам. Также приводится обоснованная информация о техническом оснащении, которая будет необходима при применении этих средств обучения в самостоятельном обучении.

SUMMARY. In this article, innovative educational tools aimed at organizing lessons and extracurricular self-study on the subject of The drawings are given practical recommendations with a methodological basis on handouts, visual graphic images, creative tasks, 3D animation, mobile applications, video tutorials, author's channels in social networks and non-traditional test questions. It also provides reasonable information about the technical equipment that will be necessary when using these learning tools in self-study.